XALQ DEPUTATLARI PESHKO' TUMAN KENGASHI QARORI

2021 - yil 30 - dekabr VI-43-71-2-39-K/21 Peshku tumani hokimligi

Пешку туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ 2022 йилда Пешку тумани маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларини, шу жумладан ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларига парламент ажратмаларининг чекланган миқдорларини белгилаш ҳамда бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш мақсадида Халқ депутатлари Пешку тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (Кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2022 йилги Пешку тумани маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатлари **150 млрд. 794 млн. 844 минг сўм** миқдорида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Пешку туманида 2022 йил учун бюджет малбағлари;

- 2022 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

- Маҳалла фуқаролар йиғинларининг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, 2022 йилда юридик ва жисмоний шахслар учун белгиланган ер солиғи базавий ставкаларига қўлланиладиган

коэффициентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

- Пешку тумани бюджетидан 2022 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ;

- Пешку тумани бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ;

Бунда, ажратма меьёрлари бўйича республика, вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

- 2022 йил учун Пешку тумани бюджети даромадлари ва харажатлари прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ;

- Пешку туманига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажмлари
1 млрд. 409 млн. 151 минг сўм миқдорида белгилансин.

4. Пешку тумани маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси бюджет умумий харажатларининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда шакллантирилади. Туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар молиялаштирилади.

5. 2022 йил учун туман бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар 1 млрд 28 млн.сўм миқдорда белгилансин.

6. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг

тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига киритиладиган мурожаатида харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан таклифларини киритади.

7. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

8. Туман ҳокимлиги:

бюджетни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар
ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадларини 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, расмий веб-сайтига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

9. Туман ҳокимлиги тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларининг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларни ҳар чорак якуни билан Халқ депутатлари туман Кенгашига киритилишини таъминласин.

10. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатилишини таъминласин ва ҳар чорак якуни билан Халқ депутатлари туман Кенгашига муҳокамасига киритсин.

11. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

12. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **В.Каххоров**

Халқ депутатлари Пешку туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-43-71-2-39-K/21-сон қарорига
1-илова

Пешку тумани маҳаллий бюджети даромадларининг 2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	Жами даромадлар	**58 423 023**
I.	**Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад**	**6 776 400**
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	33 882 000
	ажратма меъёри	*20*
1.	маҳаллий бюджетга	6 776 400
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	18 977 000
	ажратма меъёри	
2.	маҳаллий бюджетга	0
II.	**Бириктирилган даромадлар**	**31 442 000**
	Туман ва шаҳарларга бириктирилган	**20 777 000**
1	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	4 030 000
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	772 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	9 756 000
4	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	1 993 000
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 183 000
6	Ижара тўловлари	43 000
	Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар	**10 665 000**
1	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	8 520 000
	ажратма меъёри	
	маҳаллий бюджетга	0
2	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 217 000
	ажратма меъёри	
	маҳаллий бюджетга	0
3	Юридик шахслар ер солиғи	7 406 770
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	0
4	Айланмадан олинадиган солиқ	7 164 000
	ажратма меъёри	*100*
	маҳаллий бюджетга	7 164 000
5	Йиғимлар	3 501 000
	ажратма меъёри	*100*
	маҳаллий бюджетга	3 501 000
III.	**Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)**	**20 204 623**
	Аҳоли сони (минг киши)	*125,3*
15.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	7 646 393
16.	Мобил алоқага акциз солиғи	4 355 840
17	Тамаки маҳсулоти учун акциз солиғи	8 202 390
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	**150 794 844**
	ТРАНСФЕРТЛАР	**92 371 821**

Халқ депутатлари Пешку туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-43-71-2-39-K/21-сон қарорига
2-илова

2022 йил учун Пешку тумани бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

Кўрсаткичлар		Миқдори (минг сўмда)
	ХАРАЖАТЛАР-ЖАМИ	**150 794 844**
1.	**ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХАРАЖАТЛАР - ЖАМИ**	**115 322 704**
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	25 073 652
	- мактабгача таълим	16 981 273
	- умумий таълим	8 092 379
1.2	Соғлиқни сақлаш	47 424 059
1.5	Тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар	-
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	6 803 622
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	1 672 836
	- спорт	5 130 786
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	35 951 979
1.15	Ижтимоий кўникма марказлари	69 392
2.	**ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАР**	**16 296 620**
	шу жумладан:	
2.1	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	833 392
2.3	Ободонлаштириш	11 721 663
2.11	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	1 697 472
2.17	Ветеринария қўмитаси	1 145 477
2.20	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	898 616
3.	**МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ХАРАЖАТЛАР**	**-**
4.	**ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**7 539 905**
	шу жумладан:	
4.1	Justify Давлат ҳокимият органлари	
4.2	Давлат бошқарув идоралари	7 539 905
5.	**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**3 179 284**
6.	**ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ**	**1 409 151**
7.	**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси**	**7 047 180**
8.	**БОШҚА ХАРАЖАТЛАР**	**-**
	шу жумладан:	
	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	**58 423 023**

	ТРАНСФЕРТ	**92 371 821**

Халқ депутатлари Пешку туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-43-71-2-39-K/21-сон қарорига
3-илова

Пешку туманида умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига 2022 йилдаги ажратмалари меъёрлари

фоиз хисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Айланмадан олинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи*	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи
1	Пешку тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Ер қаъридан фойдаланган-лик учун солиқ (норуда материаллари)	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Давлат божи	Жарималар	Йиғимлар	Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан ажратма**	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	Хусусийлаш-тириш	Бошқалар***
1	Пешку тумани	100	100	0	0	100	0	100	0	0

Халқ депутатлари Пешку туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-43-71-2-39-K/21-сон қарорига
4-илова

Пешку тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Бюджетлар номи	**Даромад ***	**Харажат**
ЖАМИ	**58 423 023,0**	**150 794 844,0**
Пешку тумани	58 423 023,0	150 794 844,0

** мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар бўйича ўтказиб бериладиган даромадлар билан биргаликда.*

Халқ депутатлари Пешку туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-43-71-2-39-K/21-сон қарорига
5-илова

Пешку тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
ЖАМИ	**92 371 821,0**
шундан	
Пешку тумани	92 371 821,0

Халқ депутатлари Пешку туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-43-71-2-39-K/21-сон қарорига
6-илова

Пешку тумани маҳаллий бюджетида 2022 йилда йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**1 028 000,0**
	шундан	
1	Пешку тумани	1 028 000,0